



*Маъnavият тарғиботчисига ёрдам*

ДАВРОН МУИТОВ

**АХБОРОТЛАШГАН  
ЖАМИЯТ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

ДАВРОН МУИТОВ

**АХБОРОТЛАШГАН  
ЖАМИЯТ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2015

УЎК: 32.019.52

КБК: 66.2(5Ў)

М 84

**Муитов, Даврон**

М 84 Ахборотлашган жамият хусусиятлари / Д. Муитов; масъул муҳаррир Қ. Қуранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-252-0

Ахборотлашган жамият муаммоларининг бугунги талқинлари халқимизнинг ғоявий курашчанлик фазилатларига жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Ахборот босими миллий тикланиш, маънавий юксалиш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг химоя чизигини таъминлашга эҳтиёжни кучайтирмоқда. Демак, бугун халқимизни айна ахборотлашган жамият фалсафаси билан яқиндан таништириш, унинг таъсири ва самарадорлигини кучайтиришимиз керак бўлмоқда. Маънавий-мафкуравий тарғиботни энг халқчил, энг таъсирчан воситага айлантirmoғимиз лозим. Ушбу рисолада ана шу йўналишдаги айрим кузатишлар ҳақида фикр юритилади.

УЎК: 32.019.52

КБК: 66.2(5Ў)

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р :

*сиёсий фанлар доктори Қ. Қуранбоев*

Т а қ р и з ч и л а р :

*сиёсий фанлар доктори, профессор Н. Жўраев*

*фалсафа фанлари номзоди Ш. Тўраев*

---

## АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Маълумки, ҳозирги даврда шиддатли ўзгараётган замон билан ҳамнафас фаолият юритиш, ички ва ташқи ғоявий-мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган тизимли тарғибот ишларини йўлга қўйиш долзарб вазифа сифатида белгиланмоқда. Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида тизимли тарғибот ишларида фуқаролар, айниқса, ёшлар, ўқувчи-талабаларда мафкуравий иммунитет, ғоявий курашчанлик фазилатларини шакллантириш учун огоҳлик, сезгирлик ва ҳушёрлик хусусиятларини кучайтириш жуда муҳим масала даражасига кўтарилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари, мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги, Конституциямизнинг 22 йиллигига бағишланган маърузаларида илгари сурилган муҳим масалалар ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилиш баённомаларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга асосий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг таъбирлари билан айтганда, «ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш – бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим»лиги билан белгиланади.

Айтмоқчимизки, режалаштирилган жадвал асосида йўлга қўйилган умумхалқ байрамлари доирасида ташкил қилинган тарғибот-ташвиқот ишларида жамияти-

мизда баркамол шахснинг интеллектуал салоҳиятини кўрсатадиган мустақил фикрлаш, ўз куч ва имкониятларига таяниб яшаш, ислохотларнинг инсон манфаатлари учун амалга оширилиш моҳиятини чуқур англаш муҳим омил тариқасида олдинга сурилмоқда. Жойлардаги ўтказилган тадбирларнинг аксариятида, яъни олиб борилган учрашув ва давра суҳбатларида ўқувчи-талабаларнинг мамлакатимиз мустақил тараққиётини кўра олмаётган турли хил тажовузкор кучлар ва таҳдидлар ҳақида тўлиқ билимга эга бўлишлари зарурлигига эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор. Ҳозирги глобаллашув шароитида менталитетимизга хос бўлмаган бузғунчи кучларнинг маънавий-мафкуравий таҳдидига қарши курашчанлик, жаҳолатга маърифат билан жавоб бериш, улар хатти-ҳаракатлари келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, бугун айтилган ахборотлашган жамият фалсафаси билан яқиндан таништириш мазкур учрашувларнинг илмий-назарий асосини ташкил қилишда кўл келмоқда. Албатта, ахборотлашган жамиятнинг ютуқлари ҳақидаги гап-сўзлар бугунги кунда янгилик эмас. У ҳақда дастлабки тасаввурларни берган кунчиқар мамлакат олимнинг (Ю. Хаяши) ахборот жамияти истилоҳини киритганига ҳам ярим асрдан ошибди. Бугун фанга, жамиятга хизмат қилувчи ахборотнинг қудратини ўз вақтида илмий жиҳатдан зукколик билан илғаган японлар бутун бўй басти билан дунёни лол қолдиришда давом этмоқда. Ҳарқалай, ахборот жамиятига бўлган бундай муносабат япон мўъжизасининг маънавий асоси тариқасида эътироф этилмоқда.

**Бугун ахборотлашган жамият** ахборотни юксак тараққиёт омили сифатида баҳолайдиган, ривожланган ахборот технологияларига эга бўлган, ахборот олиш борасида тенг имкониятлар яратилган жамиятдир. Мазкур қарашлар илмий жамоатчиликда «юксак ах-

боротлашган маданият», «тигиз ахборотлашган жамият», «ахборот жамияти» тушунчалари билан ҳам кенг тарғиб қилинади. Хуллас, жаҳон ҳамжамятида ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш суръати ва йўналишини белгилаб берувчи ахборотни барча неъматлардан устун деб тан олиш йўлига ўтилди.

Айниқса, ахборот коммуникация инқилоби кишилар ўртасидаги муносабатларда ахборот омилининг етакчилик қилишига, уни ҳал қилувчи кучга айланишига таъсирини ўтказди. Ахборотлашган жамиятда миллий қийматга эга бўлган, жамиятга янгиликни очишга хизмат қиладиган ахборотгина қадр топади, ялпи иқтисодий тизимда ахборот-коммуникация соҳасининг улуши салмоқли бўлади, сиёсий тизимда эса ахборотнинг демократик тамойиллар устуворлигини таъминлаши кутилади. Ахборотлашган жамиятда эркин ахборот оқими тамойили амал қилади; давлат чегараларидан қатъий назар, ахборотнинг глобал тарзда тўсиқларсиз тарқалишига эришилади.

Шу тобда замонавий геосиёсий рақобат **ахборотлашган жамиятнинг** глобал хусусиятини ўзгача ифодалаб берадиган ҳодиса эканлигини айтмоқчи эдик. Ҳолбуки, бугун ривожланаётган давлатларга келаётган ахборот оқимининг ушбу давлатларнинг мафкуравий таъсири остида қолиш хавфини ўта кескинлаштирди. Келгусида ахборий жамиятнинг қиёфаси қандай кўринишга эга бўлиши кутилади? Бундай жамият таракқиётида радикал гояларнинг имкониятлари даражаси қандай бўлади? Халқаро сиёсатда совуқ уруш давридан кейин мисқоллаб йиғилган ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамжихатлик гояларининг келажаги қандай бўлади, деган саволларни олдимизга қўяди.

Битта масала доирасидаги ахборотларнинг қарама-қарши тенденцияларга бойлиги одатий воқеликка айланмоқда. Ўз навбатида булар ҳам ахборотлашган

жамиятнинг бугунги ахборий-мафкуравий кифасини тушунтиришнинг жонланишига олиб келиши керак. Афсуски, етакчи геосиёсий куч марказлари бир қатор «танланган» давлатларда инсон ҳуқуқлари, демократик тамойилларга амал қилинмаётганлиги борасида бир томонлама ўта танқидий ёндашувлар оқимини вужудга келтиришда анча устамонга айланишди. Устига устак, янги суверен давлат манфаатларини халқаро майдонда ўзига хос тарзда рад этиш шакли намоён бўла бошланди. Айниқса, ҳозир баъзи ўтқир масалалар доирасида бозор иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилган молиявий-иқтисодий ёрдам микдорининг чекланганлиги билан сезилмоқда. Натижада бундай «ёрдам» аста-секин сиёсий шартлар кўринишидаги баёнотларнинг юзага чиқиш имкониятини кучайтирмоқда.

Ҳарқалай, суверен давлатлар катта майдонларида тартибсизлик томон ҳаракатлар авжига чиққан давр бошланди. Ана шундай пайтда ахборотга эгалик қилиш – гегемонликни халқаро сахнада кучайтиришнинг бирдан-бир йўли сифатида кўрилмоқда. Хусусан, айрим давлатларда бошқарув ана шу ўйинларнинг гирдобиди қолиб кетмоқда, ҳатто энди авваллари қон тўкилмасдан ҳокимиятни инқилобий қўлга киритиш тариқасида тан олинган рангли технология тамойиллари ҳам бузилди. Бундай давлатларда ҳокимият жиловини ноаниқ кучлар қўлига ўтиб кетиш хавфи ўта кучайди. Миллатчилик, айирмачилик, антисемитизм, империяпарастлик, шўропарастлик, евроцентризм ғоялари уларнинг сиёсий ҳаётини қуюшқондан чиқариб юборди, сиёсат ва ахлоқ мувозанати бузилиб кетди. Бир хил маданий мансубликдаги ҳудудларда айирмачилик ва миллатчилик тажовузкорлик фалсафаси билан баб-баравар бош кўтарганини кўрмоқдамиз. Таълим-тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг бошбошдоқлиги шу тарзда ўз «кароматини» дунё ҳамжамиятига намоёниш қилади. Ахборотлар-

ни мунтазам кузатар эканмиз, сиёсий маданият, орият, маънавият, сиёсат, ахлоқ борасидаги тасаввурларимиз остин-устун бўлиб кетди. Халқ ичидан танланган, сараланган халқ ноиблари – депутатларнинг ўзларини бундай бесаранжом, беодоб тутишлари, ҳатто интизомли Европа учун ҳам, улкан чегаралари бўлган Россия учун ҳам янгилик бўлмай қолди. Қалъани ичидан олиш дегани айти шундай бебошлик ва эркинлик ҳисобига амалга ошиши мумкинлиги кўпчилик сиёсатчиларга кундай равшан бўлиб қолди. Бундай парламентлардаги бебошлик, ишончсизлик, ўзаро тушуниш фалсафасининг чекланганлиги одамларни давлатнинг бу муҳим институтидан бездириб қўймоқда. Натижада, бу қиёфадаги парламентлар мамлакатда фақат тарафкашлик сиёсатига хизмат қила бошлади, халқ ҳокимиятининг баъзи депутатлик минбари фақат жангари фильмлар учун ўткир сюжет вазифасини ўташи мумкин бўлиб қолди, холос.

**Бошқариладиган хаос** тушунчаси ва ҳатто унинг назарияси пайдо бўлди. Қонун ижодкорлиги, парламент назорати тамойиллари ўзининг кучини деярли йўқотди. Популизмга берилиш ва сиёсий сафсата натижасида сиёсий радикализмга кенг йўл очилиб кетди. Консенсус, яъни, баҳсли мунозаралар бўйича умумий битимга келиш деярли йўққа чиқарилди.

Бундай ишларга биргина «хайрия» ташкилотлари эмас, балки сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал жиҳатдан, дипломатик салоҳиятга ва ниҳоят ҳарбий ресурсларга эга бўлган қудратли давлатларнинг сиёсий кучлари сафарбар этилмоқда. Ҳозир дунёдаги ҳар қандай мамлакат ҳукуматини, нисбатан кўп бўлмаган маблағ сарфлаб, маҳаллий «норозилик ресурсларидан» унча катта бўлмаган, лекин яхши тайёрланган муҳолиф гуруҳлар тузиб (ташқил қилиб, молиялаштириб, тайёрлаб), «тинч куч ишлатмаслик» услубида қулатишга асосланган янги технологиялар амалда қўлланиляпти.



Аслида сиёсий радикализм ҳали ҳеч қачон барқарор, ижобий натижаларни бермаган. Инсон ҳуқуқлариغا риоя қилинган ва халқ фаровон ҳаёт кечирадиган давлатда сепаратизмнинг пайдо бўлиши мумкин эмасдек туюлади. Сиёсий амалиёт тажрибаси эса унинг таҳдиди мавжудлигини тасдиқламоқда, бундай ҳолатлар муайян сиёсий мақсадларга эришишга имконият яратмоқда. Олдин йирик бўлган мамлакатлар қанча майда бўлакларга бўлиниб барпо этилган бўлса, дунёни бошқариш шунча осон бўларди. Бугун «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» шиори янги ахборотлашган жамиятнинг тан олишни истамайдиган, аммо ОАВнинг бугунги амалиётларида шиддат билан қўлланиладиган ғоясига айланди. Натижада бу ҳолат ОАВ нинг ўзида этник, миллий, диний радикализмнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Бундай жараёнларнинг кескинлашувида интернет журналистикаси ҳам алоҳида эътиборни талаб этади. Ахборотлашган жамиятда хавфсиз интернет муаммоси алоҳида тадқиқ этилиши керак. Зеро, интернет улкан ахборот макони сифатида ахборотлашган жамиятнинг энг замонавий шакли сифатида тан олинмоқда. Бир томондан, интернет замонавий демократлаштиришнинг инновацион омилидир. Иккинчидан, жамият интернет орқали ахборот олиш вақтининг тежалиши билан боглиқ ўзгаришларни мамнуният билан қабул қила бошлади. Айниқса, ахборотлашган жамият куриш бўйича давлат дастурларининг зудлик билан жорий этилиши ахборот олиш даражасини, унга бўлган муносабатни ўзгартирди. Чунки яқин ўтмишимизда аҳолига ахборот узатишни фақат расмий ташкилотлар, ижтимоий-сиёсий институтлар, маҳаллий ва марказий ҳукуматлар ташкиллаштириб, бошқариб келганди.

Интернет эса мазкур анъанани ўзгартириб юборди. Бугун интернетда ҳар қандай инсон ахборотни яратиб-

бошқариш имкониятига эга. Интерфаол электрон медиалар туркумида порталлар, сайтлар, блоглар ва ижтимоий тармоқлар фаолияти тезлашиб кетди. Айниқса, ёшларнинг ижтимоий тармоқларга қизиқиш даражаси кундан кунга ошиб бормоқда.

Аслида интернетнинг оммавийлашувини тўқсонинчи йилларга, айти Оқ уй сайтининг очилган даврига боғлашади. Онлайн, яъни реал вақт режимида мулоқот қила олиш имконияти миллионлаб кишиларни социал тармоқлар томон етаклади. Дунёнинг ҳоҳлаган нуқтаси билан бир зумда алоқа қила олиш имконияти кўпчиликка мўъжизадай туюлди. Улар катта тезликда инсонни ахборот алмашинув жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириб қўйди. Бунда социал тармоқлар бамисоли бошпана – «севимли учрашув макони» ролини ўтай бошлади. Статистик маълумотларга қараганда, энг катта социал тармоқ «Фейсбук» тармоғи бўлиб, ҳозирда бир миллиарддан ортиқ фаол фойдаланувчига эга экан<sup>1</sup>. (2012 йилги маълумотдан) Бу албатта, журналист, психолог, жамиятшунослар орасида интернетга тобелик ҳақидаги баҳс-мунозараларнинг бошланиб кетишига туртки берди. Шу тариқа интернетнинг ҳеч қандай чегара билмас, кўзга кўринмас ахборот оқими ўз кучини кўрсата бошлади. Натижада интернет оламига бундай дахлдорлик турли кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг доимий таъсирини сезиб яшаш эҳтиёжини тугдирди. Ахборот маконининг бундай глобал тусда тармоқлашуви инфоэтика масаласига (Х. Дўстмухаммад) янгича ёндашувларни талаб қила бошлади. Биз бугун интернетнинг

---

<sup>1</sup> Г. Алимова. Социал тармоқларда мавзу ва муаммолар ёритилишига журналистик ёндошув. // Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар. Республика илмий-амалий конференцияси тўплами. ЎзДЖТУ, 2013, 69-б.

ижобий ва салбий томонларига тўла-тўқис баҳо бера оламизми? Бутун жаҳон ўргимчак тўри феномени борасидаги баҳс-мунозаралар қачондан бошланди ўзи? Аслида якуний хулосага келадиган давр яқинми? Илмий жамоатчиликда саволларнинг бу тарзда қўйилиши бежиз эмас. Зотан, юқоридаги илмий маълумотлар уни бугунги кундаги жамият ҳаётига янада кўпроқ таъсир кўрсата олиш кудратига эга бўлган ахборот манбаига айланганини тасдиқламоқда.

Бундай пайтда Бутун жаҳон ўргимчак тўридан *ишончли ва сифатли ахборот танлаш муаммоси* қалқиб чиқди. Интернетдан нотўғри фойдаланишнинг зарарли иллатлари ҳақида мунозарали изланишлар, тадқиқотлар бошланди, мақолалар ёзилмоқда. Уларда жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, диний-этник келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва маиший бузуқлик, шахслар мавқеига, обрўсига ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг маънавий-руҳий меъёрлари ҳақида маълумотлар ва таҳлиллар мунтазам берила бошланди<sup>1</sup>.

Бу борада жаҳон сиёсатида гегемонликка интилиш билан очиқ жамият қуриш гоёларининг бир-бирини қўллаб-қувватлаб боровчи замонавий тенденциялари (аслида бир-бирини инкор этиши керак) интернетнинг ахборий таъсиридаги кудратини аниқроқ ифодалаб берса керак. Бутун, масалан, интернетда террористик хуруж методлари ҳақидаги махсус техникавий ахборотга дуч келиш мумкин. Аслида бу тарздаги ахборот қўлбола шароитдаги оддий портловчи моддаларни тайёрлашга имконият яратиб бераётир. Шунингдек,

---

<sup>1</sup> **И. Шамсиева.** Whatsapp сохта ахборот манбаи сифатида ва ёш авлодда медиакомпетентликни шакллантириш зарурияти. // Ахборот асрида ёшлар дунёқараши: назария ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференцияси тўплами. ЎзДЖТУ, – Т.: 2013, 41-б.

Марказий Африка, Яқин Шарқ мамлакатлари, Россиянинг Шимолий Кавказ республикаларидан берилаётган террорчи тўда раҳбарларининг баёнотлари кенг аудиторияга айнан интернет тизими орқали етказилмоқда. Шу тариха интернет террорчиларнинг аҳолига кучли психологик таъсир ўтказувчи воситасига айланаётир. Радикал қарашлар мазкур ҳудудларда одатий жараёнга айланди.

Албатта камбағал дунё, очарчилик, инсон ҳуқуқларининг кўпол тарзда бузилиши билан боғлиқ нотенг вазият оловга ёғ сепиш самарасини бераётганлигини таъкидлашимиз керак. Эндиликда экстремистлар инсон психологиясида ҳозирги мазкур нотенгликдан келиб чиқадиган ҳасадли, ғазабли, яъни агрессив туйғулардан унумли фойдаланиш йўлига ўтиб олишди. Жиддий разм соладиган бўлсак, ўзига тўқ Ғарб дунёсида ҳам, камбағал ривожланиш йўлидаги айрим Осиё, Африка мамлакатларида ҳам параллел – бири-бирига ўхшаш ахборотлашган тенденциялар намоён бўлмоқда. Евроньюснинг телехабарларига қараганда, ҳатто Скандинав давлатларида ксенофобия-радикализм билан боғлиқ ёшлар ҳаракати жонланиб қолган<sup>1</sup>.

Демак, интернет бошқа оммавий коммуникациялар қаторида минтақавий можаролар бўйича иж-

---

<sup>1</sup> Шведлар, норвеглар жамиятидаги барқарор, сокинлик фалсафаси ўрнига миллий нигилизм, қаҳр-ғазаб, адоват руҳи билан чалғиган тўдалар кўча-кўйларда кўпайиб, фаоллашиш ҳолатлари кучайиб кетди. Натижада экспертлар бундан буён радикализм, ирқчилик ғояларини тараннум этувчи интернетда турли блоглар, онлайн форумларнинг очик-ойдин чиқишлари одатий ҳолат бўлади, дейишмоқда. Бундай агрессивлик қандайдир маънода ўзини оқлаши керак деган қарашлар ҳам юзага чикиб қолди. Бу нимани англатади? Наҳотки мультикултурализм, миллатларо тотувлик ғоясининг таназзулини Европанинг ўзи бошлаб берса? Айтмоқчи, 41 фойздан ортиқ британияликлар иммиграцияга қарши бўлган партияга овоз бермоқчи (Евроньюс. 15 февраль 2013 йилги маълумотларидан).

тимойй-сиёсий резонансни кучайтириб юбориши мумкин. У зўравонлик, радикализмнинг янги шакллари намоён қилишни бошлади. Айни пайтда аноним кибер ҳужумлар ривожланган давлатлар ҳаётида бошбошдоқлик, ваҳимага туширишни мақсад қилиб қўймоқда. Демак, интернет олами билан боғлиқ бундай нохуш воқеликлар барқарор ахборий жамият тўғрисида мутлақо янги қарашларни ишлаб чиқишимизни талаб этади. Бинобарин, интернет орқали мафкуравий таъсир ва тазйиқ ўтказиш давлатнинг энг асосий геосиёсий потенциали бўлмиш **миллий менталитет, маданият, одамларнинг ахлоқий эътиқоди, мустақил позициясини ўзгартириб ташлаш қудратига** эгадир. Буни араб дунёси билан боғлиқ ёшларнинг вайронкор, тажовузкор хатти-ҳаракатлари борасида берилган ахборотлардан кўп амин бўлдик. Мазкур нохуш ахборотлар оммавий мулоқот феноменига муносабатимизни ўзгартириб юборди. Чунки даставвал норозилик билан чиққан ёшлар «Твиттер» ва «Фейсбук» воситасида унча катта бўлмаган таянчга эга эдилар. Лекин, айни ташқи манфаатдор кучлар томонидан тилга олинган тармоқларда махсус «араб баҳори» учун тарғиботчи сайтларнинг яратилиши билан сиёсий аҳвол беқарорлик ва нотинчлик сари йўл олди, вазият бутунлай ўзгариб кетди. Бу билан «Фейсбук, Твиттер ёшлари даври» ёшларнинг дунёқарашида ўзига хос чалкашликлар ва мураккабликлар даврини бошлаб берди. Шу тариқа интернет орқали барқарор ахборий вазиятга салбий таъсир ўтказиш, унинг шиддатли тараққиёти эса инсон онгини манипуляциялашга жиддий дахл қилиш масаласини долзарблаштириш кун тартибидан ўрин олмоқда. Интернет воситасида ҳали-ҳамон ёшлар ривожланган ғарб давлатларидан жиҳод учун Сурияга отланмоқда. Айни француз, голландиялик, немис ёшларининг диний радикал ташкилотлар қармоғига тушиб қолаётганлиги,

улар орасида Сурияда жангари тўдаларга кириб кетганлар кўпчиликини ташкил қилаётганлиги «Евроњуб» маълумотларида ташвиш билан айтилмоқда.

Афсуски, «Араб баҳори»нинг «натижалари» ана шундай намоён бўлди. Айни интернетда ташкил қилинган махсус аккаунтларнинг бу борадаги «хизматлари» катта бўлди. Буни тарғиботда ва ахборотлашган дунёни таҳлил қилаётганимизда унутишга мутлақо маънавий ҳаққимиз йўқ.

Таъкидлаш жоизки, ОАВ бугунги кунда босма матбуот, радио, телевидение, кино, овоз ёзиш орқали сиёсий жараёнларга, шу билан бирга, сўнгги ўн йилликда коммуникация воситалари турининг жиддий ўзгариши воситасида жамоатчилик сиёсий онгига кучли таъсир этмоқда. Янги суверен давлат манфаатларининг халқаро майдонда инкор этилиши, бозор иқтисодиётини ривожлантиришга йуналтирилган молиявий-иқтисодий ёрдам миқдорининг чекланганлиги, аста-секин ОАВларда бундай давлатларга нисбатан ишончсизлик туйғусининг юзага келиш имкониятини кучайтирди. Сўнгги ўн йиллик глобал геосиёсатда Яқин Шарқдаги баъзи араб мамлакатларининг «озод қилиниши» билан унинг ҳудудида минтақадаги бошқа барча халқларга «намуна бўла оладиган», «демократик жамият» қуриш ғояси олдинга сурила бошланди. Жумладан, Яқин Шарқ минтақаси «Янги сиёсат фокуси» маркази бўлиб қолиши айтилди. Айни пайтда бугун инсониятни диктаторлардан озод қилишга биргина «хайрия» ташкилотлари эмас, балки сайёрадаги сиёсий, иқтисодий, интеллектуал ва дипломатик жихатдан энг қудратли ҳарбий ресурсларга эга бўлган давлатлар кучларининг жалб этилганлигини ахборот дунёси қайд этмоқда.

Шунингдек, тарғибот технологияларида «озод» қилиниши мўлжалланаётган мамлакат ёшлари, айниқса, талабалар билан ишлашга катта аҳамият берилиб, етак-

чи ва обрўли университетларнинг талабалари учун «демократияга ўтиш муаммолари бўйича махсус дастур ва маърузалар» ишлаб чиқиш амалиёти жиддий тус олди. Демократияни экспорт қилиш йўналишидаги лойиҳаларнинг ахборот ва тарғибот таъминоти махсус тузилган радиостанциялар ва интернет веб-саҳифаларида амалга ошириш йўлга қўйилди. Шу тариқа «Фейсбук ва Твиттер ёшлари» деган тушунча эндиликда геосиёсий характерга эга бўлган тушунчага айланди.

Иккинчи томондан, ҳар ҳолда журналистика олами ҳам бунга бефарқ қарамаётганлигини таъкидлаш зарур. Уларда «рангли инқилоб» деган умумий номда бир-бирини такрорловчи спектакллар қўйилгани тўғрисида жиддий танқидий таҳлиллар оқими юзага келди. Демак, айрим етакчи ахборот манбаларида демократия ғоясининг бу тариқа бузиб талқин қилиниши бундай «демократия»дан ахборот воситасида ҳимояланишни тақозо қилади. Зеро, «сўз эркинлигининг» бундай тажовузи оддий инсонларнинг турмуш тарзи, маданияти, кадриятлар тизими, анъаналари, уларнинг онгу кайфиятларига ҳам дахл қилишга улгурди. Қолаверса, минтақавий нотинчликни кучайтириб юбормоқда. Ахборотнинг, айниқса, сиёсий ахборотнинг янгидан-янги қирралари ўзини намоён қила бошлади. Тадқиқотларда қадимги анъанавий хавфсизликни таъминлашдан фарқли ўлароқ, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги қайд қилинмоқда. Бундай шароитда ҳар қандай суверен давлат ўз ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос янгидан-янги тамойилларига эҳтиёж сеза бошлайди. Бир сўз билан айтганда, ахборот сиёсати ва унда давлат омили масаласи – бугунги кун замонавий тарғибот- ташвиқотчи кадрларни тайёрлаш тизимининг долзарб мавзусига айланади. Ҳозир шу тарзда, ахборот сиёсатини амалга оширишнинг махсус шартлари деганда нималарга эъти-

бор бериш керак? Ахборот тажовузи максadini кандай килиб аниқлаш мумкин, деган саволлар муҳимлашади.

*Албатта, бу борада ахборот хавфсизлиги бўйича олиб бориладиган ислохотларнинг тақдири бевосита давлат институти билан боғлиқдир.* **Биринчидан**, ахборот хавфсизлиги бўйича олиб бориладиган ислохотларда давлатнинг умуммиллий ва трансмиллий тузилмалар билан муносабатларда ўзига хос сиёсат олиб бориш зарурияти туғилади. Жаҳон сиёсий амалиётида ахборот хуружлари аниқланганда, давлат ёрдамига эҳтиёж ахборот хавфсизлигининг ўзига хослигини билдиради. Унинг анъанавий хавфсизликни таъминлаш усулларидан фарқ килиши эса **ахборотлашган жамият** тушунчасига яхлит феномен сифатида қарашни тақозо қилади.

**Иккинчидан**, бизга келаётган ахборот оқимининг моҳиятини ақл-идрок, тафаккур кўзгусига солиб, тўғри тушуниб олишга ўргатиш ва ахборотларни филтрлаш қобилиятини шакллантириш айна шундай ҳодисалардан сабоқ чиқаришдан бошланиши керак. Чунки кўз ўнгимиздаги демократия, халқаро ҳамкорликнинг эталони сифатида танилган давлатларнинг ўзаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги келишмовчиликлари бизларни ҳушёрликка яна бир бор даъват этаётир. Бу ҳар қандай янги мустақил давлат ёш тарғиботчиси олдида катта сиёсий ҳушёрлик, сиёсий саводхонлик ва ахборот дунёси ўзгаришларини кузатиш йўлида улкан илмий изланишларни тақозо қилади.

Тарғиботчи тафаккурида ахборот олиш кафолати бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган кадриятга айланиб бормоги лозим, деб кўп таъкидладик. Айтмоқчимизки, рақобат асрида ахборот феноменига комплекс ёндошув туфайлигина давлат ахборот сиёсатини амалга ошириш ва бошқариш бўйича назарий билим ва амалий кў-



никмалар шаклланиб боради, уларда ахборот хуружи даврида тажовузкор таҳдидларга қарши фидойилик, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан жавоб бериш кўникмаси шаклланади, мафкуравий ва маънавий таҳдидларга қарши кураша олиш инстинктини кучайтириш долзарблигича қолади.

Айни пайтда ахборот асри шиддати ташвиқот-тарғибот ишларида давлат ахборот сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот хавфсизлигини таъминлаш доирасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг моҳияти, шунингдек, ахборот соҳасидаги ўзгариш ва жараёнларни давлат бошқаруви асосий йўналишлари-га нисбатан катта эътиборни талаб этади.

Ёшлар тафаккурига ОАВ орқали таъсир қилишда ҳаққоний ахборотни манипуляция қилиш технологияси юзага келганлигини айтиб ўтдик. Бу ҳолатларда манба ва мавзуларнинг тарафкашлик билан танланиши, эфир вақтини ҳақиқий ахборот фрагментларига нопропорционал тақсим этиш, тақдим этилаётган ахборотнинг фрагменталлиги ёш аудитория эътиборини ҳаққонийликдан чалғитишга олиб келмоқда. Хусусан, тарғибот-ташвиқотда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш учун мамлакатнинг мустақил тараққиётини таъминлайдиган, миллатлараро тотувликни, қардошлик туйғуларини кучайтирадиган, юрт тинчлигини сақлаш, мафкуравий чиниқишда муҳим роль ўйнайдиган тарихий хотирага эгалик, мафкуравий иммунитетнинг ўзаги бўлган она-ватанга садоқат, ўзликни англаш туйғуларини кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳамда уларни ҳал этишга йўналтирилган тавсия ва вазифалар илгари сурилмоқда.

...Ахборотлашган жамият фалсафаси билан яқиндан танишиш ва унга муносабат билдира олиш, таълим-тарбия жараёнларида уни янгича идрок этишни тақозо қиладиган даврда яшайпмиз. Чунки бугунги таҳлиллар ҳар бир шахснинг ўз ҳаётига, ўзгалар фаолиятига, тева-рак-атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқлиги ва лоқайдлигидан шафкатсиз тарзда фойдаланишга зўр берувчи ахборот асри «эгалари» пайдо бўлганлигини тасдиқламоқда. Жумладан, айти ахборот маконларидаги кескин ракобат туфайли ёшлар тарбиясида зиддиятли, аввало инсонийликни кескин инкор этувчи ҳолатлар кўпайиб кетди. Мазкур вазият эса ёшларнинг маънавий дунёқараши билан боглик нохуш тенденцияларни кенг камровли сиёсий тафаккур, зийраклик ва огоҳлик билан англашимизни талаб этмоқда.

Зотан, энди халқаро ахборот маконларида янги геосиёсат даври талаблари устувор бўлмоқда. Айниқса, айрим ёшлар тафаккурида ҳаётий позициянинг аниқ эмаслиги, баъзан долзарб вазифалардан ўзини олиб қочиш, эл-юрт, жамоат ва миллат ташвишларидан четда туриш иллатларининг устунлик қилиши қатор ахборот хуружларига жуда кўл келмоқда. Афсуски, замонавий халқаро ҳаётда сиёсий воқеликларнинг таранглашуви қайси давлатда бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда давлатчилик ва маънавият энг заиф нуктага айланишини тасдиқлади. Аксинча, қаерда хушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда ҳақиқий суверен давлатчилик ғоялари ва унинг маънавияти қудратли куч сифатида ўзини намоён қилмоқда. Қолаверса, ўтган «атом ва ахборот» асрининг 90-йилларидан тортиб, то шу кунларга қадар содир этилган хунрезликларнинг асл сабаби тўлиқ очилмаётир.

Аслида ҳар қандай инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради. Ирода

эса мустаҳкам ишонч дегани. Фақат иродаси бақувват одамгина ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин деймиз. Бундай кишилар ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, кийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади.

Лекин, **ахборотлашган жамият** шароитида бошқа минтақалардаги бегоналарнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшашга олиб келадиган тарбиявий муҳитга урғу бериш кучайиб кетди. Вақт бундай муҳитнинг давом этиши кўзда тутилмаган муаммоларни келтириб чиқараётганлигини тасдиқламоқда. Афсуски, бундай ахборот мафқурасини, керак бўлса, **жамият кадриятларига бегона** тарбиявий муҳитни юзага келтирувчиларда на иймон, на ирода бўлишини кўп кузатяпмиз. Уларнинг вакиллари айни пайтда ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб бермоқда. Айни шу сабабли ҳам лоқайдликка қарши кураш, замон даъватларига ҳозиржавоб ва давр билан ҳамнафас, маънан баркамол кишиларни тарбиялаш Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга оид сиёсатнинг долзарб вазифаси даражасига кўтарилди.

Шу сабаб ахборотлашган жамият ёшларининг тарбиясида мустақиллик ва юрт тинчлигини асраш, истиқболни кафолатлашда тажовузкор кучлар ва ғояларга доимо қарши туриш, айни юксак маънавиятни жамиятимизнинг ғоявий ва мафқуравий етуқлигига хизмат қилдириш муҳим мафқуравий тадбирлардан ҳисобланади.

**Зеро, ахборотлашган жамиятнинг** юқорида қайд этилган глобаллашувига боғлиқ бундай «номақбул хурсандчиликлар» умуминсоний кадриятларимизга кес-

кин таҳдид солмоқда. Аслини олиб қараганда, бу воқеаликлар бизларни бундай иллатларни тан олиш орқали дунёқарашни бошқаришдаги янги бир рақобат даври келганлигидан огоҳ этиши лозим.

Табийки, бундай шароитда ёшлар тарбияси билан боғлиқ талқинлар бугун бойликларни кўз-кўз қилиш, истеъмолчилик психологияси, ахлоқсизлик фалсафаси ўзагини ташкил қилувчи аморализм, лоқайдлик, «ўзи учун яшаш» каби иллатларнинг моҳиятини чуқурроқ англашимизга ёрдам беради. Чунки ахборот асрида бугун виртуал ҳаёт, онгни қайта дастурлаш, дезинформация, «мияни ювиш», мафкуравий зомби қилиш, «оммавий маданият» каби янги илмий категорияларнинг қалқиб чиқиши – жамият ривожланиши учун таҳдидли муаммолар янада чигал тус олишидан дарак бермоқда.

Қолаверса, бундан буёғига миллий ўзликни ҳимоя қилиш доимо шундай кўринишдаги таҳлика ва таҳдидлар қуршовида бўлади. Эртанги кунимиз қандай бўлади? Ўзимизга муносиб келажак ярата олаёلمизми? Ана шундай мафкуравий босимлар оқимида йўқ бўлиб кетмаслик учун ўтмишга, тарихга суяниш, таяниш, ундан куч олиш масалаларини долзарблаштиради.

Бизнинг жамиятимиз янгиланишлар оқимида тарихдан сабоқ олиш орқали ўз истиқболини белгиламоқда. Ёшларнинг маънавий тарбияси билан боғлиқ тадбирларимизда ўзликни ҳимоя қилиш ўз келажакимизга муносиб тарзда яратувчанликка боғлиқ тарихий бир ҳодиса эканлигига урғу берилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистонда таҳликали башоратларга жавобан маънавий баркамол инсонни тарбиялаш ҳақидаги концепция ўз вақтида олдинга сурилди. Шу йўсинда обод ватан қалбан ва руҳан пок инсон, озод ватан эса озодликни чуқур англаган инсонлар ўз ҳаёти давомида ҳеч қандай ташқи таъсирларга берилмай фаол ва онгли турмуш кечиради.

**Маънавий юксалиш феномени жамиятимизда тарихга эгаллик масаласини кўтарди.** Бугун мамлакат маънавий юксалиш концепциясида ёшларнинг кучига баҳо беришаётганда ана шу ўлчовлар орқали ёндашилмоқда. Зеро, ёшларнинг яратувчилик иқтидори, ақлий мўъжизаси айни шу руҳий иродаси орқали, руҳий кудрат орқали бошқариладиган ишончда намоён бўлади. Ёшларнинг ўз кучи ва имкониятларига ишончи унинг мустаҳкам ҳаётий позицияси билан белгиланади. Таълим-тарбиянинг ўзбек моделида таъкидланганидек: «Ёшларда ўз салоҳиятини эзгуликка йўналтириш қобилияти ва фаолиятини такомиллаштириш, уни мувофиқлаштириб туриш учун ўз кучи ва имкониятларига ишонч бўлиши зарур», – деган қоида ва тамойилларга амал қилинмоқда.

Шундай қилиб, бугун жамият тараққиётини издан чиқариш, ривожланишига тўғаноқ бўлиш унчалик ҳам қийин иш эмаслигини узоқ ва яқин ўлкалар воқеликлари яна бир бор тасдиқлади. Бунинг учун давлат ва жамият ҳаётида фанатизм таянчи бўлган экстремизмга озгина эрк бериш, ҳис-ҳаяжонларни жунбушга келтиришнинг ўзи кифоя экан. Сохта ақидапарастликка асосланган сиёсий, диний экстремизм ҳаёт ҳақиқатини тан олмасликка, мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларни юзаки баҳолашга йўл очиб беради. Бунга дунёдаги кўпгина сиёсий тўнтаришлар билан боғлиқ жараёнлар яққол мисол бўла олади.

Айтмоқчимизки, ХХ асрнинг глобал геосиёсий муҳитидаги агрессорнинг асосий ишлаб чиқариш саноатини яксон этиш, ҳудудларни забт этиш билан боғлиқ мазмуни бугунга келиб ўзгарди. Ахборотлашган жамиятда маконни назорат қилишнинг асосий воситаси сифатида юзага келган шахс устидан маънавий-мафкуравий назорат қилиш исботланган ҳақиқатга айланди. Яъни, асосий мақсад – бир қатор муайян миллат ва халқларнинг дунёқарашини бошқариш бўлиб қолди. Айниқса, халқаро журналистик таҳлиллардаги макон

учун курашнинг ахборот майдонида яккол намоён бўла бошлаши – постклассик геосиёсат тўғрисидаги илмий қарашларга ўзгаришлар киритиши жоиз эди. Ахборот инқилоби даврида худди шу маданий-маънавий, миллий-руҳий омилларга эътибор бериш зўрайди.

*Зотан, ҳозирги кунда макон учун олиб борилаётган ахборот урушларининг асосий зояси – геосиёсий рақибларга олдиндан режаслаштирилган ва дастурлаштирилган дунёнинг ахборотлашган қиёфасини мажбуран сингдириш, шу туфайли унинг бошқарув тизимини бутунлай бошқаришга ҳаракатлар – геосиёсат ва журналистика йўналишидаги тадқиқотларни тубдан янгилаб боришни талаб этмоқда.*

Қолаверса, жаҳон сиёсатида совуқ уруш давридан бери янги геосиёсий эътиқод «рақибнинг дунёқарашини англаш ва билиш объектив реалликдан муҳимроқдир» деган гоя тинимсиз олдинга суриб келинди. Ҳар ҳолда, яқин ўтмишда геосиёсат учун ер макони (борлиқнинг) картографияси муҳим омил бўлган бўлса, энди геосиёсатнинг асосий диққат марказини инсон қалби муаммоси эгаллай бошлади.

Қизиги ва муҳими, ахборот инқилоби глобаллашув жараёнлари тараққиёти баробарида юз бермоқда. Бу, албатта, турли минтақа ва мамлакатлар ўртасидаги анъанавий тўсиқларнинг муайян даражада сидирилиб, ювилиб кетишига сабаб бўлаётир. Ҳар ҳолда, учинчи минг йилликда халқаро хавфсизликнинг барча асосий параметрлари ўзгармоқда. Агар хавфсизлик илгари ҳарбий кучлар мувозанати, конфликтлар даражаси ва жаҳон уруши таҳдидига, жумладан, қуролланиш пойгасини тўхтатиш каби омилларга боғлиқ бўлган бўлса, эндиликда «ноанъанавий» таҳдидлар билан курашиш биринчи ўринга чиқди<sup>1</sup>. Агар ўтмишда стратегик жиҳатдан

---

<sup>1</sup> Халқаро терроризм, трансмиллий жинойатчилик, ноқонуний миграция, ахборий диверсиялар шулар жумласига киритилмоқда.

жойларда разведка ва контрразведка устуворлик қилган бўлса, эндиликда уларнинг ўрнини ахборот оқимларини таҳлил қилиш омили эгаллади. Улар орасидан агрессив – бузғунчи ахборот йўналишларини белгилаб олиб олиш, ўз вақтида фoш қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

*Журналистика оламидаги янги воқеликлар тартиботчилар олдидан янги ноанъанавий муаммони кўндаланг қўя бошлади: бу ахборот хуружининг геосиёсий даражадаги масалаларни ҳал қилишдаги родини таҳлил қилиш муаммосидир.* Бинобарин, бугунги кунга келиб, ахборот орқали тазйиқ ўтказиш давлатнинг энг асосий геосиёсий потенциали – миллий менталитет, миллий маданият, одамларнинг ахлоқий-маънавий қиёфасини ўзгартириб ташлаш қудратига эга бўлмоқда.

Иккинчидан, миллий психология ва тафаккур қиёфасининг ўзга кучлар томонидан ўзгартирилиши глобал таҳдид даражасига етди. Шундай қилиб, ахборот маконидаги маънавий-маданий муаммолар абстракт назарий эмас, балки геосиёсий моҳият касб этмоқда. Тажовузкор ғояларнинг ҳудудий чегарадан четлаб ўтиб, оммани бошқара оладиган ахборот технологияларининг вужудга келиши ҳарбий ҳаракатлар театрини турли тамаддунларнинг миллий-тарихий, рухий-маданий оламига таҳдид қилиши билан кўзга ташланмоқда.

Инсон-цивилизация-маданият тушунчалари доира-сидаги ўзликдан воз кечиш истаги етакчи давлатлар мураккаб ахборот тизимларининг мажбурий элементи сифатида киритилмоқда. Мақсадли ахборот таъсири орқали миллий ўзликдан воз кечтириш механизмини ишга тушириш йўлига ўтилди, бунда махфий дастурларнинг сингдирилишидан усталик билан фойдаланилмоқда.

**Бугун интернет, оммавий ахборот коммуникациялари, рекламадан иборат бўлган замонавий ах-**

**борот макони ахборот оркали бошқариладиган яхлит бир дунёга айланди.**

*XXI асрда «кўзга кўринмас» ахборот таъсири геосиёсий қарашларни қай даражада ўзгартириши мумкин?*

Ҳозирги пайтда бошқа давлат ва кучларга таъсир ўтказишнинг барча ахборот технологияларидан фойдаланиш асосий мақсад сифатида етакчи давлатлар томонидан илгари сурилмоқда. Глобал лидерликка интилиш ёки улар томонидан белгиланаётган кадриятларни қабул қилиш, «демократия экспорти» – ғарбона демократик идеал ва кадриятларни сингдира бориш, либерал демократияни тарқатиш туфайли ғарбона кадриятлар қувватининг оширилиши каби тушунчалар журналистик таҳлилларнинг диққат марказидан ўрин эгаллади. Яъни, дунё журналистикаси геосиёсий курашнинг виртуал майдонига айланиб улгурди. У бир кўринишда беозордек туюласа-да, аслида шафқатсиз ва аёвсиз феномен тусини олди. Бугун оммавий ахборот воситаларида «ёвузлик ўқи» деб сингдирилган қатор-қатор давлатлар беқарорлик, ёвузлик, камбағаллик, ночорлик ўчоғига айланаётганлиги – таассуфки, навбатдаги «антитеррор» операцияларнинг натижаларидан равшанлашиб бормоқда.

Учинчидан, ахборот маконидаги геосиёсий ғоя ва қарашларнинг таҳлили одатдаги сиёсий таҳлилларга нисбатан ўзига хос динамик ёндашувларни талаб этиши сезилмоқда. Бунда ахборот маконида ҳақиқатни ёлғондан фарқлай олиш учун геосиёсий ғояларнинг тўқнашуви бўладиган «куч майдонлари»ни доимий равишда кузатиш талаб қилинади. Уларнинг қутилмаган вазиятларда бир-бирига қарши босимини англаш кўп жиҳатдан геосиёсий башоратларимизда асқотади. Жумладан, бу ерда жаҳон ахборот маконида кучлар нисбатини билиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Виртуал кураш натижалари кўпинча шу нисбатга боғлиқ бўлиб қолаётир.



*Бугун геосиёсатнинг ахборот концепциялари шуни англатмоқдаки, давлатлар ўртасидаги маконий муносабатлар эндиликда виртуал макондаги ахборот устунлиги билан белгиланиб боради. Айни шу маънода геосиёсий стратегияни ишлаб чиқиш ахборий-мафкураравий устунликка асосланган оператив концепцияни яратиш билан намоён бўлади.*

Шу тариқа халқаро сиёсатда мустақил давлатларнинг куч-қудратини ахборот технологиялари ёрдамида ўстириш, бу борада барча имкониятлардан самарали фойдаланиш амалиёти ҳақида баҳс-мунозаралар кўпайди. Албатта, бу ҳолат курашнинг реал макондан виртуал маконга ўтишини қизгин босқичга олиб келмоқда. Аслида, бу ХХI аср сиёсат оламидаги ўзига хос геосиёсий инқилоб эди. Бугун эса уни геосиёсат ва журналистика фанлари уйғунлигида англаш ва билиш, тафаккур қилиш вақти етиб келди. Жаҳон геосиёсий сахналаридаги рақобат шуни талаб этади. Биринчи навбатда табиий энергия ресурслари учун бўлаётган кураш унинг ахборий таъминотида янгидан-янги сценарийларни олдинга суриши аниқланди: гоҳида зимдан, гоҳида ошқора очик-ойдин олдинга сурилаётган геосиёсий мақсадларнинг мағзи буни тасдиқлаб турибди. Демак, дунёга ким устунлик қилади, – деган масала айни етакчи давлатлар ахборот сиёсатининг устувор вазифасига айланиб улгурди. Дунёга ҳукмронлик қилишнинг энг самарали ва арзон воситаси яна бир бор ахборот институтларига бориб тақалиши исбот талаб қилмайдиган сиёсий аксиомага айланди.

Албатта, бундай қарашлар мустақиллик, миллий ва давлат манфаатлари борасидаги қизгин, баҳсталаб концепцияларни ривожлантиришга, геосиёсат ва журналистика ҳақидаги илмий-назарий тасавурларимизни кенгайтириб боришга чорлаши жоиз.

ОАВ орқали амалга ошириладиган ва катта маблағ талаб қилмайдиган ғоявий таъсир ва тазйикнинг ўзи-

га хослиги шундаки, у ўқувчи, тингловчи ёки томошабинга сездирмасдан амалга оширилади ва бевосита курбонларни келтириб чиқармайди. Ахборот душманни йўқ қилмаган, катта ҳаражатни талаб қилмаган ҳолда юқори самара беради. Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда асосий диққатни кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишга, шаклланган кадриятларни ўзгартиришга, уларнинг мослашувчанлигини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади.

Ана шундай шароитда мамлакат ёшлар тарбиясида юрт тинчлигини сақлаш – мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шarti, инсоннинг ҳаётii эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг асосий шarti деб узил-кесил белгиланди. Бу борада Президентимиз Ислom Каримов: **«Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз, бу – умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатларарo ва фуқароларарo то-тувлиқдир»**, – деб таъкидлади.

Шунинг учун ҳам мустақиллик ва юрт тинчлигини асрашимиз, юрт тинчлигини сақлашда тажовузкор кучлар ва ғояларга доимо қарши туриш маънавий концепциямизнинг ўзагини ташкил қилмоқда ва бу ўз вақтида тўғри белгиланган, амалга оширилган жараён сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон ёшлари тарбиясида юксак маънавият - миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуқлигининг, юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим шarti деб белгиланмоқда. Албатта, бу ҳаракатларимиз жамият тарбиясига таъсир қилувчи ахборот манбалари чексиз урчиб кетган бир даврда унинг маънавий қиёфаси қандай талқин қилинмоғи жоиз, деган саволларга ҳам жавобларни ойдинлаштиришга хизмат қилмоқда.

---

## ГЕОСИЁСАТ АСРИДА АХБОРОТГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ: ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАР ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Бугунги кунда цивилизациялар, мафкуравий, миллий манфаатлар тўқнашуви муаммога айланаётган бир пайтда Ўзбекистонда халқаро журналистларни тайёрлаш, уларнинг глобал муаммоларни ёритишдаги самарали иштирокини таъминлаш катта аҳамиятга эгадир. Зеро, геосиёсат асри ахборий-мафкуравий тарғибот технологияларини ОАВ коммуникациялари тараққиётига ҳамоҳанг равишда қабул қилиши билан намоён бўлмоқда. Айниқса, интернет ва телемедианинг янги шакл-тамойиллари мунозарали ахборотни ҳаққоний ахборот даражасига етказиш технологияларини амалиётга шиддатли равишда татбиқ этиш даврини бошлаб юборди. Бу ўз-ўзидан ахборотни ҳаққоний етказиш масаласини янада долзарблаштиради. У кўп жихатдан ахборий-мафкуравий курашчанликнинг замонавий тамойилларига тўғридан тўғри боғлиқ бўлиб қолишини тасдиқламоқда.

*Геосиёсий тадқиқотларнинг ОАВ орқали мунтазам берилиши эса мавжуд муаммолар ва ютуқларни аниқлаб олиш жараёнини тезлаштириши имкониятини кучайтириб боради.*

...Жаҳон сиёсатида юз бераётган сўнги жараёнларга синчиклаб қараганимизда бир-бирини тўлдирувчи ҳамда шу билан бир қаторда бир-бирини рад этувчи қудратли ахборот тўлқини юзага келганига амин бўляпмиз. Ҳатто янгиликлардаги ахборот тўлқини туфай-

ли ғарбдаги бир-бирига ўта яқин стратегик ҳамкорлик анъаналарига путур етказилишига бир баҳя қолди. Яъни, геосиёсат асрида умумхавфсизлик билан ахборот хавфсизлигини таъминлаш доирасида жиддий мунозарали вазият юзага келганидан воқиф бўлдик. Чунки қудратли давлатларнинг мустақил давлатлар лидерлари ортидан зимдан қўйилган ахборот назорати айни шу масала бўйича эҳтиросларни янада жунбушга келтирди. Бундай нохуш фактлар туфайли халқаро муносабатлардаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик ришта-ларига раҳна солингандай бўлди. Жумладан, халқаро тинчликни таъминлашга бел боғлаган халқаро коалиция етакчилари бундай хавфсизликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг совуқлашишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги баёнотларни эҳтиёткорлик билан билдиришмоқда. Мазкур вазиятга айни терроризмга қарши кураш ва ўз давлатининг иқтисодий манфаатлари самарасини таъминлаш билан боғлиқ баҳонаи сабаблар рўқач қилинмоқда. Стратегик шерик давлатларнинг муносабатларида аҳвол шундай бўлса, халқаро ҳамжамият учун буёғи қандай кечади? Келажакда глобал барқарорликни сақлаш, давлат суверенитети дахлсизлигини таъминлашда ахборотнинг ўрни масаласи қандай кесимда бўлади, мазмунидаги саволларни долзарблаштиришга олиб келди.

Аслида, бизлар томон келаётган ахборот оқимининг моҳиятини ақл-идрок, тафаккур кўзгусига солиб, тўғри тушуниб олишга ўргатиш ва ахборотларни филтрлаш қобилиятини шакллантириш айни шундай ҳодисалардан сабоқ чиқаришдан бошланиши керак. Чунки кўз ўнгимиздаги демократия, халқаро ҳамкорликнинг эталони сифатида танилган давлатларнинг ўзаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги келишмовчили-

клари бизларни хушёрликка яна бир бор даъват этмоги жоиз. Бу ҳар қандай янги мустақил давлат ёш журналистлари олдида катта сиёсий хушёрлик, сиёсий саводхонлик ва ахборот дунёси ўзгаришларини кузатиш йўлида улкан илмий изланишларни тақозо қилади.

Қолаверса, ёш журналистлар авлоди билан боғлиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш сиёсати – бу бевосита сиёсий можароларнинг олдини олиш, энг аввало инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқаролараро муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантиришни талаб этади. Халқаро журналистларимиз олдида ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик имкониятларини шакллантиришни тақозо қилувчи билимларни эгаллашни шарт қилиб кўяди.

Журналист тафаккурида ахборот олиш кафолати, бу бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланиб бормоғи лозим, деб кўп таъкидладик. Айтмоқчимизки, рақобат асрида ахборот феноменига комплекс ёндашув туфайлигина журналистларда давлат ахборот сиёсатини амалга ошириш ва бошқариш бўйича назарий билим ва амалий кўникмалар шаклланиб боради, уларда ахборот хуружи даврида тажовузкор таҳдидларга қарши фидойилик, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан жавоб бериш кўникмаси шаклланади, мафкуравий ва маънавий таҳдидларга қарши кураша олиш инстинктини кучайтириш долзарблигича қолади.

Юқорида тилга олинган мустақил давлатлар лидерлари устидан назорат (бу ўринда 35 та давлат етакчиси ҳақида гап бормоқда) машмашаси ахборот ва телекоммуникацион тизимларга ноқонуний эга бўлишнинг олдини олиш; ОАВ соҳасида фуқаро ва шахснинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; Ўз-

бекистондаги ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситаларининг ички ахборот бозоридан чиқиб кетилишининг олдини олиш; маънавий кадриятларимизни ҳимоя қилиш; аҳолининг ижодий, маънавий, руҳий салоҳиятини авайлаб, асраш; ахборотдан дезинформация ва ахборотни сохталаштириш мақсадида фойдаланишларнинг олдини олиш доирасидаги илмий-назарий концепцияларга заруриятнинг кучайишини билдиради.

Айни пайтда ахборот асри шиддати илмий-назарий қарашларимизда давлат ахборот сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, ахборот хавфсизлигини таъминлаш доирасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг моҳияти, шунингдек, ахборот соҳасидаги ўзгариш ва жараёнларни давлат бошқаруви орқали амалга ошириш муаммоларини асосий йўналишларга айлантиришни талаб этмоқда.

Жумладан, таҳлиллар ахборот хуружи шароитида шахс, жамият ва давлат манфаатлари, ахборот-психологик таҳдид шароитида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигига таҳдидларнинг турлари, ахборот таҳдиди шароитида давлат ахборот сиёсатини олиб борувчи тармоқлар, давлат ахборот хавфсизлиги бўйича олиб бориладиган кучли давлат ёрдами ва хориж тажрибаси ахборот хавфсизлигининг ўзига хослиги, унинг анъанавий хавфсизликни таъминлаш усулларида фарқ қилишини кўрсатиб бериши керак. Шу тариқа давлат ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари қаторига илмийлик, умумий тизимийлик, яхлитлилик, ҳуқуқийлик, моддий-техникавий таъминланганлик, ахлоқийлик принципларининг жадал тусда

кириб бориши илмий назарий қарашларимизни услубий жиҳатдан ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Ахборот-психологик таҳдиднинг дастлабки босқичида қаршилик кўрсатиш, бундай тажовузкор тадбирлар аниқланганда тезкорлик билан муносабат билдириш шарти ахборот-психологик қарама-қаршиликнинг сиёсий шакл, восита ва методлари нақадар мураккаб ва ранг-баранг эканлигини ҳис қилишни тақозо қилади.

Биз келажак авлод тафаккурида жаҳон ахборот маконида қатор геосиёсий куч марказлари томонидан Ўзбекистоннинг манфаатларини камситишга бўлган уринишлар, халқаро террористик ташкилотлар фаолияти, давлат ахборот хавфсизлиги йўналишларининг характеристикаси, мамлакат иқтисодий тузилмаларининг ахборот хавфсизлигини таъминловчи дастурига талаблар, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги қадрияти каби мавзулар янги ахборотлашган барқарор жамиятни қуриш мафқурасида акс этиш заруратини англашиб боришимиз даркор.

---

## МУНДАРИЖА

Ахборотлашган жамиятнинг янги даври .....	3
Геосиёсат асрида ахборотга эгалик қилиш: замонавий тамойиллар ва тенденциялар .....	26



**ДАВРОН МУИТОВ**  
**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Тошкент «Маънавият» 2015*

Муҳаррир *Ш. Ҳакимова*  
Мусаввир *Ш. Соҳибов*  
Мусаҳҳих *О. Пардаев*  
Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 20.05.2015 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха. Буюртма № 15-39. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти босмахонасида чоп этилди. 100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 02–15.

ISBN 978-9943-04-252-0

9 789943 042520

ISBN 978-9943-04-252-0



9 789943 042520

*Manavika*